

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ХУДАЙНАЗАРОВ ОЛИМЖОН АЛИНАЗАРОВИЧ

**ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ОМИЛЛАРИ
(ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Худайназаров Олимжон Алиназарович

Янгиланаётган Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг
маънавий-ахлоқий омиллари (ижтимоий-фалсафий таҳлил).....5

Худайназаров Олимжон Алиназарович

Духовно-этические факторы информационной безопасности в обновленном
Узбекистане (социально-философский анализ).....22

Khudaynazarov Olimjon Alinazarovich

Spiritual and ethical factors of information security in Renewed Uzbekistan (Social
and Philosophical Analysis).....42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....48

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ХУДАЙНАЗАРОВ ОЛИМЖОН АЛИНАЗАРОВИЧ

**ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ
ОМИЛЛАРИ (ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Fal157 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ўтамурадов Акбар Ўтамурадович, фалсафа фанлари номзоди, профессор
Расмий оппонентлар:	Нурматова Мукарам Ахмедовна фалсафа фанлари доктори, профессор Мухтаров Азамат Мухторович фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент кимё технологиялар институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 24 » декабр соат 12.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 169-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2022 йил « _ »_декабр куни тарқатилди.
(2022 йил « ____ » _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Саифназаров

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

Г.Рўзматова

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари доктори, профессор

Ж.Раматов

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот таҳдидларининг ижтимоий оқибатларини ўз вақтида ҳал қилиш тобора стратегик аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги давр ахборот ва ижтимоий тармоқ «урушлари» анъанавий урушларга караганда камроқ маблағ сарфланиши, хавф ва оқибатлар кўламининг эса катта бўлиши билан характерланади. Шу боис ҳар бир жамият ва давлат учун ёшларни ахборот таҳдидларидан самарали ҳимоя қилишнинг маънавий-ахлоқий муаммоларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Ахборот урушларининг маънавий зарарлари эса халқларнинг узоқ йиллар мобайнида тузатиб бўлмайдиган, рақамларда ўлчанмайдиган жуда катта маънавий йўқотишларига олиб келмоқда.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий муаммоларига бағишланган тадқиқотларда ахборот омилининг инсон дунёқараши ва тафаккурига таъсири, ахборот оқимининг миллий ментал хусусиятлар ва кадриятларга таъсири, ёшлар маънавий тарбиясига қаратилган ахборот хуружларининг таҳлили каби йўналишлар устуворлик қилмоқда. Кўплаб назариётчи башоратчи олимлар томонидан янги минг йилликдаги энг катта муаммолар айнан ахборот омили билан боғлиқ бўлиши тахмин қилинмоқда.

Мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ёшларнинг ахборот билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш ва унинг маънавий-ахлоқий омилларини жорий қилишда жаҳон стандартларини самарали жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Ёшларимизда ахборот истеъмол маданиятини ривожлантиришнинг диагностик тизимини такомиллаштириш уларда ахборот маданиятини юксалтиришнинг замонавий технологияларини такомиллаштириш, китобхонлик ва мутолаа маданиятини ривожлантиришни тақозо қилмоқда. «Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало, ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида мунтазам ўйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур»¹. Бу эса янгиланаётган Ўзбекистонда янги маънавий маконни шакллантириш, ижтимоий муҳитни янада соғломлаштириш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг маънавий-ахлоқий омилларини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, 2015 йил 9 декабрдаги 365-сон «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. –Б. 229.

2022-2026 йилларда тараққиёт стратегияси стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги ПҚ-2124-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ 2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг демократик тараққиёт шароитида тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашда ахборот омили, оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти, демократлаштириш шароитида давлат ва халқ мулоқоти, ғоявий кураш шароитида давлатнинг олдида турган вазифалари ҳақида яратилган концептуал ғоялари тадқиқотнинг методологик асоси вазифасини бажарди².

Қадимги Шарқда вужудга келган диний-мифологик ва фалсафий таълимотларда ахборот ва унинг инсон, жамият ва кейинчалик давлат ҳаётида тутган ўрнига доир қимматли фикрлар келтирилган. Хусусан, бундан 5 минг олдин ёзувнинг пайдо бўлиши Қадимги Миср ва Мисопатамия каби маданият ўчоқларида ахборот етказиш, сақлаш, 30 асрлик тарихдан хабар берувчи Авестода ахборот ва унинг хавфсизлигини таъминлаш холис ва рост хабарларнинг эзгуликка хизмат қилиши, Зардуштнинг пайғоми эзгулик элчиси экани, ёлғон ва нотўғри ахборотларнинг ёвузликка олиб бориши баён қилинган. Кейинчалик ислом мутафаккирлари томонидан ишлаб чиқилган таълимотларда ҳам хабар ва ахборотнинг ростлиги ва холислиги алоҳида фазилат деб баҳоланади. Хусусан, Фаробийнинг фозил жамият концепциясида, Ибн Сино, Беруний, Хоразмийларнинг таълимотларида ахборот бериш, унинг маънавий масъулияти ва талаблари чуқур мушоҳадага тортилган. Амир Темурнинг тузукларидаги ахборот хавфсизлиги борасидаги сиёсати баёни, Алишер

² Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. - Тошкент: Ўзбекистон 2016. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. - Тошкент.: Ўзбекистон 2017. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. - Тошкент:, Ўзбекистон, 2021. - 416 б., Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент:, Ўзбекистон, 2021. - 416 б.

Навоийнинг жамият барқарорлигида рост ахборотнинг ўрнига доир мулоҳазалари эътиборга молик.

Ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш масаласи Ғарб ижтимоий-фалсафий тафаккурида энг кўп ўрганилган мавзулардан бири бўлиб, унинг илдизлари антик давр мутафаккирлари Сукрот, Афлотун, Арасту, Аврелий каби файласуфларнинг асарларига бориб тақалади. Ушбу олимларнинг ахборотнинг аҳамиятига доир қарашлари Ғарб Уйғониш даври, кейинчалик Янги давр файласуфлари томонидан ривожлантирилди. Бу каби концепциялар инсоният ҳаётида китоб, газета, босмаҳоналарнинг ривожланишига олиб келди.

Ахборотлашган жамият тараққиёти, замонавий таълим ва техниканинг бугунги даражаси ҳар бир инсондан сифатли билим ва касбий маҳоратга эга бўлишни, ёшларнинг фаол ижодий меҳнатини талаб қилмоқда. Айни шу йўналишдаги илмий изланишлар дастлаб фундаментал даражада Ё.Масуда, Э.Тоффлер, Д.Белл, В.И.Вернадский, М.Махлуп, А.И.Ракитов, К.Хессиг, А.И.Ракитов, Ю.В.Грановский, А.А.Ярилин, В.Н.Журавлев ³ томонидан олиб борилган.

МДХ доирасида Г.А.Атаманов, О.М.Манжуева, Р.С.Балаев, Е.Е.Перчук, О.И.Немыкина, Л.М. Мкртчян, Ю.А.Каптюг, О.М.Цыденова, А.В.Поликарпов, В.Ф.Ницевич ва бошқа шу каби олимлар томонидан бу муаммолар батафсил ўрганилган⁴. Мазкур олимлар олиб борган тадқиқот натижаларидаги яқдил фикр шундан иборатки, ҳозирги даврда бутун инсоният ҳаётида фан, техника ва ахборот-коммуникацион технологиялар тараққиёти сабаб туб ўзгаришлар рўй бермоқда, бу шубҳасиз катта ютуқ, лекин шу билан бирга у ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ кўплаб ахборот уруши, ахборот терроризми, ахборот қуроли ва бошқалар билан боғлиқ глобал хавфларни ҳам кучайишига олиб келмоқда.

Ахборотлашган жамиятнинг маънавий-ахлоқий тизимни ривожлантиришдаги рационал имкониятларидан самарали фойдаланишга доир илмий-фалсафий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий йўналишдаги тадқиқотлар М.Н.Абдуллаева, Н.А.Шермухамедова, А.Эркаев, Г.Ғаффорова, М.Ёқубова, Ш.Пахрутдинов, А.Г.Муминов, Ф.Муминов, Р.Самаров, С.Отамуродов, В.Қўчқоров, Б.А.Бегалов, Т.Жўраев, Р.Джумаев, Н.Жўраев, И.Каримов, Ж.Мухаммадиев, А.Тулупов, А.Умаров, О.Ғ.Давлатов, Т.Эшбеков, О.Э.Алляров, Б.А.Примов, А.К.Худойбердиев, Х.М.Бурханов, А.И.Тулаев,

³ Masuda Y. Managing in the information Society: Releasing synergy Japanese style. Oxford, 1990. P. 44.; Тоффлер Э. Третья волна. – Москва: АСТ 1999. - 784 с.; Белл Д, Иноземцев В. Эпоха разобщённости: Размышления о мире XXI века. Москва: Центр исследований постиндустриального общества, 2007. — 304 с.; Вернадский В. И. Биосфера и ноосфера. — М.: Айрис-пресс, 2012. — 576 с.; Махлуп Ф. Производство и распространение знаний в США. - М.: Прогресс, 1966. 462 с.; Ракитов А.И., Грановский Ю.В., Ярилин А.А., Журавлев В.Н. Наука и образование. Интеллектуальные ресурсы России в эпоху глобальных трансформаций Наука 2009. – 240 с.

⁴ Манжуева О.М. Феномен информационной безопасности : сущность и особенности: автореферат дис. ... доктора философских наук. - Улан-Удэ, 2015. - 44 с.; Балаев Р.С. Экзистенциальная безопасность личности в условиях сетевых войн : диссертация ... кандидата философских наук. - Черкесск, 2016. - 160 с.; Мкртчян Л.М. Социальная безопасность личности в сетевом коммуникативном пространстве : диссертация ... кандидата философских наук. - Ставрополь, 2018. - 168 с.

А.К.Расулев, А.Қ.Юлдашева ва бошқа шу каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган⁵.

Хусусан, А. Эркаевнинг тадқиқотларида глобаллашув шароитида ахборот хуружи ва оммавий маданиятнинг салбий оқибатлари, унга қарши курашда маънавий-ахлоқий омилнинг роли, У.Абиловнинг тадқиқотларида Ўзбекистон Республикасидаги янгиланиш жараёнлари, халқ маънавиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда ижтимоий оптимизмнинг бевосита ва билвосита таъсири, Г.Гаффорованинг тадқиқотларида ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ахборот омиллари, О.Давлатовнинг тадқиқотларида талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини тарихий-маданий мерос воситасида ривожлантириш масаласи, У.Кушаевнинг тадқиқотларида ёшларда инсонпарварлик, бағрикенглик тамойилларини шакллантириш, Б.Примовнинг тадқиқотларида ахборот оқими жадаллашувининг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсирининг ижтимоий-фалсафий таҳлили, М.Ёқубованинг тадқиқотларида жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг фалсафий таҳлили, А.Худайбердиевнинг тадқиқотларида Ўзбекистонда талаба-ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ҳамда А.Тулаевнинг тадқиқотида виртуал маконда ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган вайронкор ғоялар ўрганилган.

Ўрганилган ижтимоий-фалсафий адабиётлар, ижтимоий-сиёсий ахборот манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, айнан Янгиланаётган Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги маънавий-ахлоқий масалаларни ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан яхлит мавзу сифатида тадқиқ этилмаган.

Диссертациянинг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети “Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими” кафедраси илмий тадқиқот ишлари режасининг «Фуқаролик жамияти ривожланишининг сиёсий, маданий, мафкуравий муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги маънавий-ахлоқий омилларининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

ахборот хавфсизлиги тушунчаси, уни таъминлашнинг мазмун моҳиятини, унинг таъсирида юзага келаётган маънавий-ахлоқий муаммолар, уларнинг ижтимоий оқибатларини фалсафий нуқтаи назардан асослаш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ижтимоий-маданий муносабатлар, миллий мерос, тарихий хотира, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларнинг ўрнини очиб бериш;

ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг объектив ва субъектив омиллари, унинг мамлакат барқарорлигини таъминлашдаги аҳамиятини асослаш;

⁵Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритилган.

жамият аъзоларида, хусусан ёшлар дунёқарашида ахборий иммунитетни ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид хулосалар, тақлиф-тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги маънавий-ахлоқий трансформация жараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг маънавий-ахлоқий омиллари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда илмий билишнинг тарихий тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, умумий алоқадорлик, статистик таҳлил, анализ ва синтез каби усулларидан, социологик сўров натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ахборот маконини тасодифий, зарарли, ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоялашнинг жамият ахлоқий қадриятлари, гуманизм ва ватанпарварлик анъаналари, мамлакатнинг маданий ва илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва сақлаш омили экани асосланган;

ахборот хуружларининг жамоатчилик онги ва маънавиятига бевосита таъсир қилиши шахсларда интроверсия, регрессия, виртуал зўравонлик ва жамиятда интеллектуал-маданий салоҳиятининг парчаланиши, жамоатчилик онги манипуляциясига олиб келиши асосланган;

ахборот хавфсизлигини таъминлашда шахслараро, гуруҳий, жамоавий ва қадриятга йўналтирилган интеграцион ахборот муҳитининг барқарорлиги ижтимоий субъектларида ахборот этикасининг янги тамойиллари ва ҳуқуқий-ахлоқий меъёрларини таъминлашга боғлиқ экани очиқ берилган;

очиқ ахборот тизимида миллий манфаатларни ҳимоялаш, миллий онгнинг турли ахборот таъсиридан ҳимоялаш, “рақамли бўлиниш”нинг олдини олиш жамиятда ахборот маданияти ва одоб-ахлоқини ривожлантириш, сиёсий-ҳуқуқий, илмий-техник ва ташкилий жиҳатларини такомиллаштиришга боғлиқ экани асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монографиялар, мутахассислар билан ўтказилган интервьюлар, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялардан янгиланаётган Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги маънавий-ахлоқий муаммоларни назарий жиҳатларини ўрганишга ёрдам беришида кўринади. Тадқиқотда илгари сурилган илмий фараз ва хулосалар келгусида ушбу мавзу доирасидаги илмий муаммоларни аниқлаш, тадқиқотлар олиб боришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ўз аксини топган назарий хулосалар, конкрет амалий тақлиф-тавсиялардан Ўзбекистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат марказининг жойлардаги бўлимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида, ёшлар билан мулоқот, давра суҳбатлари ҳамда маънавий-маърифий тадбирларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Янгиланаётган Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги маънавий-ахлоқий масалаларни ўрганиш натижасидаги таклифлар асосида:

ахборот маконини тасодифий, зарарли, ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоялашнинг жамият ахлоқий қадриятлари, гуманизм ва ватанпарварлик анъаналари, мамлакатнинг маданий ва илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва сақлаш омили эканига доир илмий янгиликларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2022 йил 22 июлдаги 9-сон маълумотномаси). Натижада қўмита фаолиятида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг қонунчилик асослари ва уларнинг амалий механизмларини такомиллаштиришда маънавий-маърифий омиллардан фойдаланиш борасидаги чора-тадбирлар дастурини самарали бажаришга эришилган.

ахборот хуружларининг жамоатчилик онги ва маънавиятига бевосита таъсир қилиши шахсларда интроверсия, регрессия, виртуал зўравонлик ва жамиятда интеллектуал-маданий салоҳиятининг парчаланиши, жамоатчилик онги манипуляциясига олиб келишига доир илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да маънавий-маърифий ишлар натижадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар дастурининг IV боб “Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот тадбирлари” 26-банди ижросини таъминлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 28 июлдаги 02/02/2112-сонли маълумотномаси). Натижада Марказнинг “Маънавий-ахлоқий мезонларга мос келмайдиган, порнографик мазмундаги, зўравонликни тарғиб қиладиган, ёшлар онгига ҳуқуқбузарлик, ахлоқсизлик каби сифатларни шакллантирадиган аудио-видеомаҳсулотлар, компьютер ўйинларини республикамиз ҳудудига ноқонуний олиб кирилиши ёки интернет тармоғи орқали олиниб, кўпайтирилиши каби ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган “Маънавиятга таҳдид – келажакка таҳдид” шиори остида рейдлар ташкил қилиш” борасида ўтказилган тарғибот ишларида ва тарғибот буклетлари, флаерлар нашр этишда унумли фойдаланилган.

ахборот хавфсизлигини таъминлашда шахслараро, гуруҳий, жамоавий ва қадриятга йўналтирилган интеграцион ахборот муҳитининг барқарорлиги

ижтимоий субъектларида ахборот этикасининг янги тамойиллари ва ҳуқуқий-ахлоқий меъёрларини таъминлашга боғлиқ эканлигига доир илмий янгиликлардан Ўзбекистон Ёшлар Агентлигининг 2022 йилга мўлжалланган Иш режасининг III боб “Маҳалладаги ёшлар етакчилари билан ишлаш, беш ташаббус лойиҳаларини мувофиқлаштириш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш” йўналишининг 22, 23, 24-бандлари ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги 2022 йил 27 июлдаги 4-13-23-2277-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу маълумотлар Агентлик фаолияти доирасидаги “Конституциявий ислохотларда ёшлар ва болалар ҳуқуқларини мустаҳкамлаш” ҳамда “Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг муҳим масалалари” мавзусидаги тадбирлар, ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот истеъмол маданиятини юксалтириш бўйича тренинг ва дебатларни самарали ташкил қилишга хизмат қилган.

очиқ ахборот тизимида миллий манфаатларни ҳимоялаш, миллий онгнинг турли ахборот таъсиридан ҳимоялаш, “рақамли бўлиниш”нинг олдини олиш жамиятда ахборот маданияти ва одоб-ахлоқини ривожлантириш, сиёсий-ҳуқуқий, илмий-техник ва ташкилий жиҳатларини такомиллаштиришга боғлиқ эканлигига доир натижаларидан вазирлик ҳузуридаги Талаба ва ўқувчиларнинг маънавий юксалишига кўмаклашиш маркази томонидан Олий таълим муассасалари учун чиқарилган ахборот соатлари материалларида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг маънавий-маърифий соҳадаги фаолиятида кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил октябрдаги 89-05-107-сон маълумотномаси) Натижада, талаба-ёшларда ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган ахборот ва маълумотларни тўғри таҳлил қилиш кўникмалари шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (3 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация матнининг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ғоявий-фалсафий асослари**» деб номланган биринчи бобида ахборот хавфсизлиги тушунчасининг мазмун-моҳияти, ахборот хавфсизлигининг таркиби ва унинг намоён бўлиш шакллари ҳамда глобал ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг фалсафий-ахлоқий йўналишлари илмий нуқтаи-назардан ўрганилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига кўра, «XXI аср – ахборот асри» деб номланди. Жаҳон ҳамжамияти сингари Ўзбекистон Республикаси ҳам тараққиётнинг янги босқичига кирди ва бунда илмий-техникавий тараққиётнинг асосий белгиси жамиятни ахборотлаштириш ҳисобланади. Жамиятни ахборотлаштириш иқтисодиёт, фан ва маданиятни ривожлантиришнинг асосий шартларидан биридир. Ахборотлашган жамият ва ахборотлаштириш тушунчаси ўртасида маълум фарқ бор. Ахборотлашган жамият - бу жамиятнинг статик тавсифи, ахборотлаштириш эса ахборот жамиятининг мақсадларига эришишдаги ижтимоий динамик ўзгаришлар жараёнини тавсифлашдир. Бироқ, иккала тушунча ҳам фалсафий адабиётларда ажратиб ўрганилмайди. Чунки ахборот жамиятлашган ахборотлаштиришнинг натижасидир ва ахборотлаштириш жараёни ҳар доим маълум бир ахборот жамиятининг модели билан боғлиқдир. «Барча йўллар Римга олиб боради» деганимиздек, ахборотлашган жамият тараққиётига эришиш учун турли хил ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилаётган ва жадал ривожланаётган бир даврда ахборот жамиятини шакллантириш замонавий талаблар асосида одамлар ўртасида ахборот алмашиш ва мулоқот қилишнинг зарур шартига айланди. Келажак жамиятимиз аъзолари – ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш жамият олдида турган асосий вазифадир.

Дунёнинг ривожланган давлатларида ахборот хавфсизлиги аудити, юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни бошқариш, ахборот тизимлари, интеллектуал ресурслар ва шахсий маълумотлар муҳофазасини таъминлаш, электрон тизимларнинг заиф жойларини аниқлаш ва назорат қилиш, ахборот хавфсизлиги соҳасида кадрлар тайёрлаш сиёсатини юксалтириш каби долзарб муаммоларни ҳал қилиш кун тартибида турибди. Айниқса, мамлакатимизда кибер жиноятчиликка қарши курашиш, кибер хужумларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича илғор хорижий тажриба ва инновацион ишланмаларни ўрганиш ва жамият ҳаётига

кенг миқёсда татбиқ қилиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев тўғри таъкидлаганидек, «Илғор технологияларнинг фаол жорий қилинаётгани ва глобал ахборот коммуникация макони тараққий этаётгани барча жараёнларни жадал ва тез ўзгартирмоқда, қитъалар, минтақалар, давлатлар ва бизнес даражасидаги ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантиришга хизмат қилмоқда»⁶.

Ахборотлашган жамият тараққиётида ахборот-коммуникацион технологиялар алоҳида ўрин тутади. Бу маълумотни олиш ва бошқариш учун сарфланадиган энергия билан биргаликда баҳолаш заруриятини келтириб чиқарди. Ахборотни қайта ишлаш ва сақлаш учун инсон ўз ҳаётини вазиятини умумлаштиради. Бундан ташқари, ахборотлашган жамиятни вужудга келтирадиган ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ўзига хос билим ва тажриба талаб қилади. Бу технологияларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш жамиятнинг ривожланиш даражасини белгилаб беради ва бугунги жамиятнинг позициясини мустаҳкамлайди. Ҳатто, фақат компьютер технологияларининг ривожланиши кузатилса ҳам, жамиятлар орасидаги масофа қанчалик тез кенгайиб бораётгани ва бу вазиятни тўғри шакллантиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш қанчалик муҳимлигини тушуниш осон бўлади. Айни шу нуқтаи-назардан қараганда, ахборот-коммуникацион технологияларининг ривожланиши глобал ахборотлаштиришнинг ривожланишига туртки берди. XXI асрда жамиятни ахборотлаштириш чуқурлашиши ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида компьютерларнинг кенг қўлланилиши билан компьютер ахборот тизимларининг хавфсизлиги бугунги жамиятдаги асосий муаммосига айланди.

Олиб борилган тадқиқотимиздан маълум бўладики, компьютерлаштириш даражаси юқори бўлган мамлакатларда компьютер жиноятлари маълум миқёсни шакллантириб, жиддий ижтимоий муаммога айланиб, иқтисодий ривожланиш, ижтимоий барқарорлик ва миллий хавфсизликка таҳдид солмоқда. Жумладан, Қўшма Штатларда компьютер жиноятчилиги натижасида етказилган зарарлар триллионлаб долларга етди ва йиллик зарарлар ўн миллиард долларни ташкил этади. Германия Федератив Республикаси ҳар йили 9,5 миллиард АҚШ долларини йўқотади. Буюк Британияда бу кўрсаткич 2,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади чунки бу давлатда ҳар 40 сонияда компьютерда фирибгарлик мавжуд. Осиёда ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси ҳам жуда жиддий, масалан, Япония ва Сингапур компьютерда содир этилган жиноятлар тўғрисида ўн минглаб одамлар оммавий равишда хабар беришган⁷. Буларнинг барчаси ахборот хавфсизлиги эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган ижтимоий ҳодисага айланганлигини кўрсатиб турибди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда барча давлатлар ва турли даражадаги муассасалар ва ҳатто бутун ахборот

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 октябрдаги МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи. <http://press-service.uz/tu/lists/view/1132>.

⁷ Международная информационная безопасность: Теория и практика. В 3 т. (+CD) Под общ.ред А.В.Крутских Москва Аспект Пресс 2021. - 384с.

хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаол ҳаракатларни амалга ошириши керак.

Шу ўринда ахборот ва ахборот хавфсизлиги тушунчаларининг фалсафий таъриф ва таснифларига алоҳида тўхталиб ўтсак. Ахборот - бу муассаса ёки ташкилот ўз фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланадиган маълумотлар тўпламидир. Ўз навбатида ахборот - бу муайян муассаса ёки ташкилотнинг узлуксизлигини ва мавжудлигини таъминлайдиган ягона омил ва унинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши керак. Ахборотнинг турлари қуйидагилардан иборат: қоғозга босилган ахборот, электрон шаклда сақланадиган ахборот, электрон оммавий ахборот воситаларига ўтказилдиган ахборот, корпоратив видеоларда кўрсатилган ахборот, суҳбат давомида оғзаки равишда узатилади ахборот ва бошқалар шулар жумласидандир. Бугунги кунда юқорида номлари қайд этилган барча ахборот турларини ҳимоя қилиш айнан ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ. Шу ўринда хавфсизлик тушунчасига алоҳида тўхталиб ўтсак. Хавфсизлик-бу кўп даражали ўзига хос технологик тузилма бўлиб, у жамият билан ягона ҳақиқатни шакллантиради ва уларни ҳар томонлама ҳимояланишини таъминлайди, прогрессив ривожланишига хизмат қилади. Хавфсизлик - инсон билан бир вақтда унинг ҳаётий мақсадларини қўллаб -қувватлаш ва ҳимоя қилиш омили сифатида пайдо бўлган. Шу боисдан ҳам хавфсизликни биз инсоннинг асосий ҳаётий эҳтиёжларидан бири десак янглишмаган бўламиз. Жамият ривожланиши билан «хавфсизлик» муаммоси ҳам жиддий ўзгаришларга дуч келди ва бугунги кунда у умумий илмий мақомини олди.

Замонавий маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларда хавфсизлик, кенг маънода, одатда, объект ички қонунларига мувофиқ, органик равишда ривожланадиган, тор маънода эса тизимнинг ҳолати ва омилларини ҳимоя қилиш тизими сифатида таърифланади. Бу эса бир томондан, хавфсизлик асосида ҳар қандай объект ташқи ва ички таҳдидларнинг беқарорлаштирувчи таъсирига дош бера олади, бошқа томондан, унинг ўзи ҳам ташқи муҳит элементларига хавф туғдирмайди. Шундай қилиб, хавфсизлик нуктаи назаридан, ҳар қандай объектнинг ҳаётий таъминоти ва минимал талаблари, илмий нуктаи назардан эса энг муҳим ва потенциал таҳдидлардан ҳимояланиш имконияти туғилади. Айни шу мақсадда «Ахборот технологиялари соҳасидаги жинойтлар ва кибержинойтларнинг миллий хавфсизликка таҳдидини ўрганиш, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосларнинг тизимлаштириш ва аниқлаштириш лозимлигидан далолат беради. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлиги концепцияси қабул қилиниши лозимлиги, концепцияда ахборот хавфсизлигининг ҳозирги ҳолати таҳлили асосида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади, вазифалари ва асосий муаммолари белгилаб берилиши, ахборот хавфсизлигининг объектлари, хавфларини ва уларнинг оқибатларини, хавфларни олдини олиш, тўхтатиш ва йўқ қилиш усуллари ва

воситаларини, шунингдек давлат фаолиятининг турли соҳаларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари кўрсатилиши керак»⁸.

Ахборотлашган жамиятда умумий ахборот хавфсизлигининг шаклланиши устувор аҳамият касб этади, бу жамиятнинг ахборот соҳасини ривожлантиришга бўлган эҳтиёждан келиб чиқади. Шу маънода, бундай ривожланиш муаммолари маълум чегараларда, ахборот хавфсизлиги тизимининг ёрдами билан ҳал қилиниши мумкин. Бу жараён ахборот ва билимнинг ўзаро уйғун ривожланишини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини кафолатлашга кенг имкон беради. Жамиятнинг ахборот хавфсизлиги жамиятда умумий хавфсизликнинг мавжудлигини таъминлайди, миллий ахборот хавфсизлиги тизимларининг шаклланиши ва ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ахборот хавфсизлигининг глобал бирлигининг концептуал модели чегараларни белгилашга ва унинг асосий соҳалари ва шакллариининг мазмунини аниқлашга кенг имкон беради.

Ахборот хавфсизлиги бу - бу ҳаётий муҳим маълумотларни ҳимоя қилиш, унинг яхлитлигини таъминлаш ва унинг очиқлигини ва мавжудлигини таъминлаш учун зарур ва муҳим чора -тадбирлардир. Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизими - бу бошқарув тизимининг бир шакли бўлиб, унда ходимлар томонидан ахборот хавфсизлиги бўйича чора -тадбирлар ва эҳтиёт чораларини мунтазам равишда олиш, ахборот хавфсизлиги бўйича олиб борилган тадқиқотларни янада самарали ва қоидаларга мувофиқ ишлатиш ва унинг узлуксизлигини таъминлашдан иборатдир. Шу боисдан ҳам бугунги кунда ахборот коммуникация технологияларининг долзарб муаммоларидан бири ахборот хавфсизлиги деб номланади. Бироқ, бу мавзу шу қадар кенг ва чуқурки, уни турли фанлар нуқтаи-назардан ўрганиш мумкин. Ахборот хавфсизлиги бу шахсий ахборот майдонига рухсатиз киришни олдини олиш, фойдаланиш, ўзгартириш, ошкор қилиш, йўқ қилиш, «махфийлик», «яхлитлик»ни сақлаш демакдир. О.Ғ.Давлатов фикрича, «Ахборот хавфсизлигини таъминлаш энг аввало, турли ахборот манбаларидаги маълумотларни таҳлил этиш, баҳолаш ва зарарли ахборотларни аниқлаш, талабаларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ўз-ўзини ва жамият аъзоларини ҳимоя қилиш, уларга қарши курашишга тайёрлашни талаб этади»⁹.

Ахборот хавфсизлиги - бу ахборот ва ахборот тизимларини рухсатсиз кириш, фойдаланиш, ошкор қилиш, йўқ қилиш, ўзгартириш, текшириш, ёзиб олишдан иборат ҳолатларни олдини олишдир. Шу боисдан ҳам бугунги кунда турли давлатлар, ҳарбийлар, компаниялар, молия институтлари, касалхоналар ва хусусий компаниялар ўзларининг ишчилари, мижозлари, маҳсулотлари, тадқиқотлари ва молиявий маълумотлари тўғрисида жуда кўп махфий маълумотларни тўплаган. Ушбу маълумотларнинг аксарияти ҳозирда

⁸ Расулев А.К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш. Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2018. –Б.18.

⁹ Давлатов О.Ғ. Талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини тарихиймаданий мерос воситасида ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2018. –Б.11.

компютерларда сақланади ва турли даражадаги тармоқлар орқали бошқа компютерларга узатилади.

Хуллас, биринчидан, янги ахборот ҳақиқатларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари янги қоидалар ва йўл қўйиладиган сўнги ахлоқий ва маънавий чегаралар пайдо бўлиши билан амалга оширилади. Мавжуд ахлоқий вазиятдан чиқишнинг потенциал йўллари анъанавий ахлоқий меъёрларни тиклаш чақириқларидан тортиб, ҳар хил ахлоқий инновационларга қадар доираси жуда кенгдир. Шу боисдан ҳам одамнинг ўзи мавжуд ахлоқий компонентнинг асосий ташувчиси ва субъекти сифатида ахлоқни тиклаш ва ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишда ушбу муносабатларни аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга. Иккинчидан, ахборот хавфсизлиги - бу ҳар қандай тизимнинг нормал ишлаши ва ривожланишини таъминлайдиган шартлар ва омиллар мажмуидир. Ахборот хавфсизлиги ҳар қандай миқёсда ўзини намоён қиладиган ахборот хавфини рад этиш (ва уни енгиб ўтиш) вазифасини бажаради. Ахборот хавфсизлигига бўлган таҳдидлар уни таъминлаш бўйича фаолиятнинг мазмунини белгилайди. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш нафақат жамиятнинг ахборот соҳасидаги хавф ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш, балки ахборотлаштириш жараёнининг салбий оқибатларини келтириб чиқармайдиган ахборот ҳақиқатининг бундай ижобий ривожланишини ҳам назарда тутати.

Диссертациянинг «**Ҳозирги даврда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг маънавий-ахлоқий трансформацияси**» деб номланган иккинчи бобида миллий ахборот сиёсатида маънавий-ахлоқий ғояларнинг ўрни қиёсий ўрганилиб, ОАВларининг ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири ҳамда олий таълим тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг маънавий-ахлоқий мезонлари тадқиқ қилинган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ахборот сиёсати халқаро стандартлар ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Яъни давлат ҳокимияти ахборот сиёсатини самарали амалга ошириш учун муайян мақсад ва вазифаларни, воситаларни аниқлага интилмоқда. Жумладан, ҳукумат томонидан бу борада бир қатор қонун ҳужжатларини қабул қилинди, оммавий ахборот воситаларини қўллаб - қувватлаш учун молиявий ресурслар ажратилди. “Бу борада чинакам профессионал, замонавий журналистикани шакллантириш, хусусан, нодавлат оммавий ахборот воситаларини, ахборот ва таҳлилий Интернет сайтларни молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш, бунинг учун алоҳида давлат фондини тузиш мақсадга мувофиқ”¹⁰.

Мамлакатимиз ҳаётига доир турли даражадаги ахборотларни тарқатишда ахборотлаштириш ва хавфсизлик дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат органлари аҳоли билан ишончли мулоқот ўрнатиш, бюджет маблағларини самарали сарфлаш, ҳар бир бошқарув тизимининг ягона ахборот маконини шакллантириш орқали миллий ахборот сиёсати шакллантирилди. Шу билан бирга, ахборот

¹⁰ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд.– Тошкент.: Ўзбекистон, 2018. –Б.104

хавфсизлигини таъминлайдиган давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ёрдами билан оммавий ахборот воситалари ва интернет -ҳамжамиятлари фаолиятини назорат қилишнинг янги шакллари ишлаб чиқилди. Ю.Б.Кашлевнинг фикрича, «деярли охириги ўн йилликда анаънавий оммавий ахборот воситалари дунёсида қуйдагича манзарага гувоҳ бўлиш мумкин: бугун телевизолар сони 2 млрд (дона), радиопрёмник 2 млрддан ортиқ, 10 мингга яқин кундалик газеталар номи, ҳар йили 4 минг атрофида филм суратга олинади. Китоб нашриётининг жами тиражи 10 млрд нусха атрофида. Кескинлик билан ҳалқаро радиоэшиттиришлар ва теливидения ривожланмоқда: Сиднейдаги олимпия ўйинининг очилиш маросимини бир вақтнинг ўзида бутун дунёдаги 3,6 млрд одам томоша қилди»¹.

Ахборот сиёсати-бу фуқароларнинг ахборот олишнинг конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган давлатнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, социал-маданий ва ташкилий чора-тадбирлари тизимидир. Шу боисдан ҳам ахборот сиёсати фуқароларнинг ахборотни кўпайтириш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлган алоҳида фаолият соҳаси сифатида ҳам талқин этилади. Бу сиёсий бошқарув шакли давлат ва фуқаролик жамияти манфаатларини кондирадиган ҳамда уларнинг вакиллари ўртасида ижодий, конструктив мулоқотни таъминлашга қаратилганлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Ахборот сиёсатининг объектлари босма оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, китоб нашр этиш); электрон оммавий ахборот воситалари (теливидение, радио, Интернет); алоқа воситалари; ахборот ҳуқуқи; ахборот хавфсизлиги ва бошқалардан иборат.

Ахборот сиёсати бу инсонлар онгига ўзига хос таъсир кўрсатиш ва сиёсий мақсадларга эришиш воситаси ҳамдир. Ахборот сиёсати ўз субъектлари ёрдамида муайян ахборотлар орқали кишиларнинг онги, руҳиятига, уларнинг хулқ -атвори ва фаолиятига ҳам таъсир қила олади. Ахборот сиёсати, шунингдек, информатикани ривожлантиришга қаратилган ҳар қандай турдаги ахборотни излаш, шакллантириш, ўзгартириш, сақлаш, узатиш ва ишлатиш жараёнлари тизими, компьютер ва ахборотни яратиш, жорий этиш, ишлатиш муаммоларини самарали ҳал этиш тизими сифатида талқин этилади.

Ахборотлаштириш жараёнининг технократик тушунчаси, яратилган инфосфера инсоннинг ўзига ҳалокатли таъсир кўрсатишига олиб келиши мумкин. Унинг таъсири остида инсон нафақат ўзининг табиий биологик фазилатларини, балки кўплаб психологик хусусиятларини ва ижтимоий йўналишларини ҳам тезда йўқотади. Ҳозир миллионлаб одамларнинг онгини эгаллаб олаётган янги қизиқишлар ва эҳтиёжлар тобора кўпроқ технологик жиҳатдан йўналтирилган бўлиб чиқмоқда. Инфосферанинг ўз-ўзидан ривожланиши одамнинг ўзи унга интеллектуал қарамликка тушиб қолишига

¹ Кашлев Ю.Б. Становление глобального информационного общества и место России // Информация. Дипломатия. Психология. Сборник материалов «круглого стола» и лекций преподавательской кафедры массовой коммуникации и связей с общественностью Дипломатической академии МИД Росси. -М., 2002, - С.17.


олиб келиши мумкин¹¹. Инфосфера таъсири остида одамларнинг ижтимоий хулқ-атвори турлари сезиларли даражада ўзгариши, уларнинг ахлоқий кадриятлари кўлами бузилиши мумкин. Чунки А.Эркаев тўғри таъкидлаганидек: «Оммавий коммуникация воситалари – радио, кино (кейинчалик телевидение, интернет ва ҳоказоларнинг) вужудга келиши, комикслар, кўнгилочар асарлар, грампластинкалар (кейинчалик видео ва аудиодисклар) ҳамда бошқа маданий истеъмол буюмларининг саноат усулида «улгуржи» ишлаб чиқарилиши сабабли моддий буюмлар қаторида маънавий маҳсулотларнинг ҳам стандартлашуви юз берди. Маънавий-маданий маҳсулотлар истеъмол товарига айланди. Уларнинг шакли ва мазмуни маҳаллий, минтақавий ва миллий қиёфаларини, хусусиятларини йўқота бошлади»¹².

Бугунги кунда оммавий амалиёт маълумотни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ билим, қобилият, кўникма даражасини ошириш зарурлигини тақозо этмоқда. Аммо энди ахборот маданиятини фақат компьютерлар ёрдамида маълумотларни қайта ишлаш усуллари тўплами сифатида кўриб чиқиш мумкин эмас. Шунингдек, у ахлоқ, билиш маданияти, ахборотга бўлган эҳтиёж маданияти, шахснинг ўзини ўзи ривожлантириш, таржима маданияти ва билим тизимини шакллантириш ва билим фаолияти натижаларини жамиятга ўтказиш билан боғлиқ таркибий қисмларни ўз ичига олади. Ахборот технологияларидан нафақат самарали фойдалана олиш, балки улар ёрдамида биз оладиган маълумотлардан ҳам кўпроқ даражада фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ахборотни танлаш ва тушуниш шахсга боғлиқ. Бугунги кунда инсон танқидий фикрлашни ва кўп сонли маълумотларга эга бўлиш қобилиятини ривожлантириш ахборот маданиятининг муҳим таркибий қисмидир. Шундай қилиб, ахборот маданиятини шакллантириш инсон ва умуман жамият учун ҳаётий жараёнга айланади.

Диссертация муаллифининг тадқиқот мавзуси юзасидан олиб борилган социологик сўровларида аҳолининг турли қатламларининг ахборот борасидаги билимлари, уни олиш ва ундан фойдаланиш кўникмаларига доир эмпирик маълумотлар таҳлил амалга оширилди. Масалан, социологик сўровнома иштирокчиларига «Фейк» хабар нима? деган савол билан мурожаат қилинганида уларнинг «ёлғон» хабар деган жавобни 89,4 фоизи, билмайман деган жавобни 8,4 фоизи ва “ҳазил” хабар деган фикрни 1,2 фоизи белгилаган.

¹¹ Лапченко Н.Н. Социально-философский анализ информатизации техногенного общества : диссертация ... кандидата философских наук. - Брянск, 2011. - 156 с.

¹² Эркаев А. Курашади икки тўлқин...//. – Тафаккур-2013. 3-сон Б.13.



Шунингдек, респондентларнинг норасмий тарзда тарқатилаётган турли ахборотларга дуч келганда унга бўлган муносабати, ишончи ёки ишонмаслиги ҳам масаланинг муҳим жиҳатидир. Социологик сўровлар натижаси кўрсатишича, респондентларнинг энг катта қисми қарийиб 42,5 фоизи қисман ишонишса, 19,8 фоизи кўп ҳолларда ишонишини ва 5,2 фоизи албатта, ишонишини билдиришган. Уларнинг 30,5 фоизи эса кўп ҳолларда ишонмаслигини, 2 фоизи ҳеч қачон ишонмаслигини билдиришган.



Замонавий жамиятда ахборотлашув жараёнини ўрганиш ва ахборот ҳодисасини, ахборотни муҳофаза қилишнинг ахлоқий муаммоларини, шунингдек, ахборот сирини сақлаш масалаларини ўрганиш ва ахборотнинг феноменологик хусусиятларини чуқур тушуниш устувор аҳамият касб этади. Зеро, бизнинг давримизда замонавий жамият ўз ривожланишининг ахборот даврига кирди. Ушбу қайта ташкил этиш глобал ахборот цивилизацияси ривожланиши шароитида инсоний ахборот иммунитетига рухсат беришнинг ахлоқий ва институционал чегараларини аниқлаш доирасида ахборот соҳасидаги ахлоқий қулашни кўрсатиб турибди. Шу билан бирга, унутмаслик керакки, кўп асрлар давомида маълумотларнинг (сирларнинг), шу жумладан шахсий маълумотларнинг хавфсизлигига катта аҳамият берилган. Шунга қарамай, нафақат ахборот таҳдидидан ҳимоя усуллари балки унинг асл мазмун-моҳиятини ўрганиш ҳам қизиқтирган. Шу боисдан ҳам фалсафада ҳам ахборот ҳодисасини ўрганиш борасида конструктив тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Ахборот жамиятининг жадал ривожланиши босқичида ҳар бир инсон эркинлигининг ажралмас элементи сифатида шахсий, оилавий ҳаёт чегараларининг ахборот дахлсизлигини таъминлаш муаммолари муҳим характерга эга бўлади. Тарихнинг бурилиш нукталарида мавжуд тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, ахлоқий инсоний қадриятларга қизиқиш сезиларли даражада ошади, чунки замонавий цивилизациядаги кўчки каби маълумотларнинг кўпайиши билан шахсий эркинликлар ва инсон ҳуқуқлари доираси торайиб бормоқда.

Ахборот хавфсизлиги муаммосининг аҳамияти, шунингдек, замонавий жамият тараққиётининг стратегик вазифаларини ҳал қилишда глобал ахборот

мухитининг роли ва мақомини оширишга, ахборот хавфсизлигини илмий идрок этувчи органлар фаолияти сифатида миллий, давлат ва жамоатчиликда тушунишга ёрдам беради. Ахборот хавфсизлиги тизимини ўрганиш - бу ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил соҳаси, концептуал ва услубий асос бўлиб, унинг асосий асослари ва тадқиқот воситалари ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Бундан келиб чиқадики, ахборот хавфсизлиги ахборот муҳитида шахс, жамият ва давлат манфаатларини амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади, яъни ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ муносабатларнинг бутун доирасини ифодалайди.

Ахборотни процессуал тушуниш гуманитар тадқиқотларда фундаментал фанларнинг методларидан тўғри фойдаланишга имкон беради ва турли хил, баъзида бир бирига қарама қарши бўлган концепция ва таълимотларни қўллашнинг чегараларини белгилаган ҳолда фанлараро дастурларни шакллантиради. Хусусан, антиреализм руҳида ижтимоий конструкт ва ижтимоий концепт тушунилиши юзасидан фрагментар қўлланувчанликни кашф этиш мумкин. Бундан маълум бўладики, ахборот воқелиги инсон томонидан яратилмаган, балки ахборот феномени инсоннинг мавжудлиги воқелигини яратган. Шу боисдан ҳам П.П. Гейденко «Ахборот – бу билим айирув шахсий тажриба»¹³ дир деб таъкидлайди.


Ахборот ва ахборот хавфсизлиги муаммоларининг ўзаро алоқаси аллақачон глобал омилга айланиб, бир қатор ижтимоий-маданий жиҳатдан туб ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Шунингдек, жамият ҳаётида ахборот урушлари, ахборот қуроллари, ахборот терроризми, ахборот жиноятчилиги ва ахборот хавфсизлиги каби муаммолар кўлами тобора ошиб бормоқда. Ҳозирги давр глобал ахборотлаштиришга асосланган ижтимоий ривожланиш жараёни ахборот хавфсизлигининг сифат жиҳатидан янги таҳдидлар ва хатарларни келтириб чиқармоқда. Шу каби муаммолар эса ахборот хавфсизлиги бўйича фалсафий фанлар доирасида илмий тадқиқотлар олиб бориш заруратини пайдо қилмоқда. Шу боисдан ҳам А.К.Расулев таъкидлаганидек, бугунги кунда «Интернет тармоғи фойдаланувчиларининг аксарияти ёшлар эканлигини инобатга олиб, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар учун жиний жавобгарлик масаласи долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖКда субъект ёши 13 дан 18 ёшгача бўлиб, умумий субъект ёши 16 ёш белгиланган. Англияда 8, Грецияда 13, Швецияда 15, Финляндияда 16, Миср, Ливан, Ироқ ва АҚШда 7, Исроилда 9, Эрон, Туркияда 11 ёшдан жиний жавобгарликка тортилиши мумкин»¹⁴.

Социологик тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг 2,3 фоизи асосий ахборотларни турли китоб, рисоалардан, 20,6 фоизи телевидениедан, 14,8 фоизи газета ва журналлардан олишини айтишган. Масаланинг эътиборли томонни шундаки, респондентлар 8,3 фоизи Фейсбук, 18,4 фоизи

¹³ Гейденко П.П. Знание и информации// Философия науки. Вып.3. М., 1997. –С.189-190.

¹⁴ Расулев А.К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш. Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2018. –Б.23.

Инстаграм ва 74,9 фоизи Телеграм ижтимоий тармоқларидан, 80,7 фоизи эса Интернет сайтларидан олишади. Айнан филтрланмаган ва тартибсиз ахборотларнинг жуда катта қисми ижтимоий тармоқлар ва Интернет сайтлари ҳисобига тўғри келади.



Ахборот хавфсизлиги таркибининг маънавий-ахлоқий жиҳатлари - бу фаол ҳар бир инсонни ахборотлашув субъекти сифатидаги фаолиятининг маънавий-ахлоқий муносабатлар ва ҳатти-ҳаракатлар орқали намоён бўлади. Шу боисдан ҳам бугунги глобал ахборотлашув шаротида инсон ва жамият ахлоқий хавфсизлигини таъминлашни сезиларли даражада мураккаблаштириши давлат ва жамиятга қаратилган бўлган хавф ва таҳдидларни инвентаризация қилиш ва таснифлаш жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Шу боисдан ҳам бугунги кунда «Дунёда глобаллашув давом этаётган ва ахборот маконида ўзаро кураш кучайган шароитда мудофаа тизимида ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми соҳасида бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, ахборот-коммуникация маконида давлат суверенитети, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлигига қарши қаратилган ҳамда аҳолининг тинч ҳаётига таҳдид солувчи мафкуравий ва психологик ҳаракатларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш алоҳида аҳамият касб этмоқда»¹⁵.

